

Мавлиди шариф, устозлар байрами ва китоб тақдимоти ўтказилди



21:39 / 30.09.2024 662

Бугун, 30 сентябрь куни Ўзбекистон мусулмонлари идорасида Рабиул аввал ойи муносабати билан Набий алайҳиссалом сийратларига бағишланган мавлиди шариф, муфтий Нуриддин Холиқназар ҳазратларининг «Раббоний нидолар» ва «Ёшларга насиҳатим» китоблари тақдимоти бўлиб ўтди.

Тадбир Қуръони Карим тиловати ва муфтий ҳазратларининг дуолари билан бошланди.

Маросимда сўзга чиққан нотиклар Ҳақ таоло диёримизга беҳисоб хайру баракаларини ёғдираётгани, сўнгги йилларда юртимизда диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган ишларни ота-боболаримиз юз йиллар давомида орзу қилишгани, хусусан, Рабиул аввал ойида юртимиздаги масжидларда мавлидлар ўқилиши, диний таълим муассасалари сони тобора ортиб, устоз ва талабаларга энг яхши шароитлар қилиб берилаётгани, юзлаб китоблар нашр этилаётганини алоҳида таъкидладилар.

Шунингдек, муфтий ҳазратлари муаллифликларидаги ҳадиси қудсий ва ёшлар тарбиясига оид мазкур китобларни мутолаа қилган китобхон динимиз моҳиятини янада теран англаши, «Раббоний нидолар» ўзбек

тилида қудсий ҳадислар жамланиб, мўътабар манбалар асосида шарҳланган илк нашр экани, «Ёшларга насиҳатим» китобида ёшларга оид муҳим масалалар содда, раво ва таъсирчан услубда ёзилганига урғу қаратилди.

Таъкидлаш жоизки, жорий «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили»да юртимизда давлатимиз Раҳбари ташаббуси билан кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. «Ёшларга насиҳатим» китоби ҳам ана шу ташаббусдан илҳом олиб ёзилган.

Китобни мутолаа қилган ўқувчи ўзини буюк аждодларимизнинг вориси эканлигини тасаввур этади ҳамда уларга муносиб авлод бўлишга, билим олиб етук шахс бўлиб вояга етишишга, юртимиз равнақи ва халқимиз фаровонлиги йўлида хизмат қилишга бел боғлайди. Зеро, китобдан кўзланган асл мақсад ҳам шу аслида.

Маросимда Рабиул аввал – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам таваллуд топган ой муносабати билан Пайғамбаримизнинг ҳаёт йўллари, у зотнинг бутун умматга, барча инсониятга эзгуликда намуна эканликлари оят ва ҳадислар, мавлиди шарифлар ва турли ижодий чиқишлар орқали намоён этилди.

Тадбир сўнггида Муфтий ҳазратлари сўзга чиқиб, сийрат ойида Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам хусни хулқларини ўрганиш ва уларни фарзандларимизга ўргатиш инсон руҳий оламини бойитиши, мазкур китоблар халқимиз, айниқса, ёшларни илм-маърифатли қилиш йўлидаги камтарона уриниш эканини изҳор этдилар. Шунингдек, мана шундай маърифий тадбирларни ўтказишдан мақсад, халқимизни, айниқса, ёшларни комил инсон қилиб тарбиялаш, илм-маърифат, таълим-тарбиясини юксалтириш ҳамда юртимиз ривожини, динимиз равнақини ва халқимиз фаровонлигига ҳисса қўшадиган муносиб авлодни тарбиялаш эканини баён этдилар.

Қасидалар, муножотлар ва салавати шарифлар маросимга ўзгача файз бахш этди.